

“Тасдиқлайман”

Республика ихтисослаштирилган
травматология ва ортопедия илмий-
амалий тиббиёт маркази Самарқанд
филиалининг даволаш ишлари бўёича
директор ўринбосари танлов комиссияси
раиси:

Салохий Отабек Икромов

«21» ноябрь 2022 й

ТЕХНИК ВАЗИФА

Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали хожатхона биносини жорий таъмирлаш.

КОНКУРСЛАРНИНГ МАЪЛУМОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим танлов (конкурс) мавзуарига оид аниқ қоидаларни ва танлов ҳужжатларининг бошқа бўлимларида келтирилган маълумотлардан ёки талабларини ўз ичига олади.

№	Наименование раздела	Пояснения к разделам
1	Буюртмачи:	Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали
2	Танлов мавзуси ёки номи:	Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали 9-бўлимини жорий тамирлаш
3	Конкурс Тартиб рақами:	№
5	Буюртмачи манли:	Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самақанд шаҳри Қозизода Румий кўчаси 73 уй
6	Алоқа учун шахс:	Хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари Абдуллаев Облоқул Орибович 97-612-69-95
7	Танлов эълони эълон қилинган жой:	Ўзбекистон Республикаси Товар-хом ашё биржаси www.xarid.uzex.uz
8	Для участие в конкурсе допускаются участники	Участие в конкурсе объединений юридических лиц (консорциумов) не допускается
9	Товар (ишнинг, хизматнинг) нархи	460024508 (Тўрт юз олтимиш миллион йигирма тўрт минг беш юз саккиз) КҚС билан
10	Танлов ўтказиладиган жой манзили:	Самарқанд вилояти Самақанд шаҳри Қозизода Румий кўчаси 73 уй (РИТ ва ОИАТМ СФ мажлислар зали)
11	Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар:	<ul style="list-style-type: none">- Танлов иштирокчилари юридик шахс сифатида давлат реестридан рўйхатдан ўтган бўлиши шарт шартнома тузиш бўйича қонуний ҳуқуқига эга эканлиги;- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлик йўқлиги;- уларга нисбатан банкротлик таомили киритилмаганлиги;

		<ul style="list-style-type: none"> - Ноҳалол ижрочиларнинг ягона реестрида улар ҳақида қайднинг мавжуд эмаслиги - Иштирокчилар ишларни бажариш (хизмат кўрсатиш) учун зарур мутахассислар ва ресурсларга, касбий ва техник малакага, шу каби объектлар ҳужжатларининг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш бўйича тажриба ва кўникмага, шартномани тузиш пайтида фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги ваколатга эга бўлиши керак. - Техник вазифада келтирилган талабларга тўлиқ жавоб бериши - Иш ва хизматларни шартномада келтирилган вақтдан кечиктирмаган сифатли ҳолатда буюрмачига топшириши - Иш ва хизматлар бажарилгандан сўнг
12	Танлов бериш муддати тугайдиган сана ва вақт:	Элон жойлаштирилганидан сўнг 5 кун мобайнида
13	Танлов тақлифларини расмийлаштиришга доир талаблар:	<ul style="list-style-type: none"> - Танлов тақлифларини раймийлаштиришда танлов иштирокчиси ўз тақлифини муҳрланган конвертда тўлиқ ҳужжатлар асосида юборади. - Берилган тақлифда иш ва хизматларга доир баржа маълумотлар акс эттирилган бўлиши шарт. - умумлаштирилган суммалар инобатга олинмайди.
14	Шартнома баҳосини ва ижрочилар билан ҳисоб китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта ҳамда тўлов тартиби ҳақидаги ахборот:	Шартнома баҳоси ва ижрочи билан ҳисоб китоб Ўзбекистон Республикаси Миллий валютаси Сўм да амалга оширилади.
15	Танловда иштирок этиш учун тақлиф қайси тилда тайёрланиши кераклиги бўйича талаб	Ўзбек тили
16	Тендер тақлифларини қабул қилиш	Тақлифлар сайтда эълн қилинган пайтдан бошлаб қабул қилинади
17	Молиялаштириш манбаи:	Бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан (Пуллик хизмат)

**Хўжалик ишлари бўйича
директор ўринбосари:**



О.О.Абдуллаев

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун
ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Самарканд -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали 9-бўлимини жорий тамирлаш
- 1.2. Танлов қиймати 460024508 (Тўрт юз олтмиш миллион йигирма тўрт минг беш юз саккиз) сум. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.
Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача.
- 1.5. Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали 9-бўлимини жорий тамирлаш (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.
“Буюртмачи” манзили:, Самарқанд шаҳар Қозизода Румий кучаси 73 уй
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади
- 2.3. Танлов «РЕСПУБЛИКА ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ АМАЛИЙ МАРКАЗИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ» - “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 2 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:
шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; фаолияти давомида бюджет ташкилотларида фаолият олиб борганлиги;
ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар; (бажарилган ишлар тўғрисидаги счёт-фактуралар, процентовкалар, далолатномалар ва шунга ўхшаш бошқа ҳужжатлардан нусхалар)
танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);
Мазкур ишларни ўз вақтида бажариб беришига қафолат хати бериши.
- 3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.
- 3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:
қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар, ҳамда ушбу ҳужжатнинг 3.2 бандига мос келмаган иштирокчилар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник ҳужжатлар рўйхати (бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишлари тўғрисидаги ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);.

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган

санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.


7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

Маъсул шахс

Ҳўжалик ишлари

бўйича директор ўринбосари:



О.О.Абдуллаев